



Сипохга танхох ва улуфа таксимлаш тузуки

Амр килдимки, пиёдалар, калакчилар, ясовуллар, чоповулларнинг бир йиллик маошларини хисоблаб, белгиланган маблагни девонхонага келтириб, шу ерда уларга (амирлари оркали) улашсинлар. Оддий сипохийлар ва баходирларнинг олти ойлик маошини ҳам хисоблаб, танхох хазинасидан олиб беришни буюрдим.

Ўнбоши, юзбошиларга маош шаҳар омонлиги[1] хазинасидан ва подшолик мулки даромадидан нақд пул ҳисобида ёзилсин. Мингбошиларга вилоят ичидаги экинзор ерлардан туюл[2] берсинлар. Амирлар ва амир ул-умароларга эса чегаралардаги вилоятлардан бири туюл килиб белгилансин.

Вилоятлардан тушган даромадларни ушбу йўсинда таксимлашни буюрдим: вилоятлар ва мамлакатлардан олинган жаъми даромадни таксимлаб, маош бериш ёрликларига бирига кам, бирига ортик килиб ёзсинлар. Сўнг ёрликдар девонхонага келтирилсин. Амирлар ва мингбошилар шу ёрликдардан бирини чиқариб олсин. Агар ёрликда маошидан ортик (кўрсатилган) бўлса, бошкани ўзига шерик қилсин. Бордию кам бўлса, уни қўйиб бошка ёрлик тортиб олсин.

Яна буюрдимки, амирлар, мингбошилар раиятдан молу жихот[3] йикканларида, хирождан ортикча соврун, қўналра[4] ва шилон[5] талаб қилмасинлар.

Туюл килиб берилган ҳар бир мамлакатга иккитадан вазир тайинласинлар. Бири вилоятдан йигилган молни ёзиб, раият аҳолини текшириб турсинки, жогирдор—ер эгаси[6] фукарога жабр-зулм етказиб, уларнинг холини ҳароб этмасин. У вилоятдан йигилган бутун мол-ашёларни қирим дафтарига ёзиши лозим. Иккинчи вазир эса, (даромаднинг) ҳарж этилган қисмини қиким дафтарига ёзсин ва (йигилган моллардан) сипохийларнинг маошига таксим қдлсин. Қайси амирга туюл берилар экан, уни уч йилгача ўз холига қўйсинлар. Уч йил ўтгандан сўнг уни текшириб кўрсинлар. Агар мамлакат обод, раият рози экан, шу холича қолдирсинлар. Агар аҳвол бунга терс бўлса, ул вилоятни холисага[7] ўтказиб, уч йилгача ўша ер эгасига ҳақ берилмасин.

Яна буюрдимки, хирожни раиятдан калтаклаш ва савалаш йўли билан эмас, балки оғохдантириш, кўркитиш ва тушунтириш йўли билан ундирсинлар. қайси ҳоким ҳукмининг таъсири калтаклаш таъсиридан камроқ экан, ундай ҳоким ҳукумат юргизишга яроксиздир.

[1] Шаҳар омонлиги ҳазинаси—фатх этилган шаҳар аҳолисидан тўпланган «моли омон» (ўлпон) сакланадиган ҳазина.

[2] Туюл—хирож ва солик йиғиб олиш ҳақки билан инъом этилган ер-мулк, вилоят.

[3] Молу жихот—кишлоқ хўжалик маҳсулотларидан натура тарзида олинадиган солик; даромаднинг бешдан бир ёки учдан бир қисми ҳажмида олинган.

[4] Қўналга—элчилар, хон чопарлари, ўткинчи амалдорлар ва сипохийга қўноқ бериш; уларнинг навкарлари, сокчилари ва хизматчиларини, шунингдек, от-уловини боқиш мажбурияти.

[5] Шилон—ҳалқадн тўпланадиган солик тури.

[6] ... ер эгаси—матнда «жогирдор» — подшоҳ олдидаги алоҳида хизматлари учун солик йиғиш ҳақи билан ер тортиқ қилинган мансабдор шахс. Бобурийлар даврида қўлланган атама. Ундан олдинги манбаларда учрамайди. Абу Толиб Хусайний таржима жараёнида ўз даврида муомалада бўлган сўзни ишлатиб кетган қўринади. 13–14 асрларгача «иктаъ» шаклида, сўнгра 16 асргача қўпроқ «суюргол» шаклида, Бобурийлар даврида эса «жогир» дея аталган. Мана шу каби ҳолатлар таржимон асил манбага нисбатан анча эркин муносабатда бўлганини кўрсатади. (–А.А.)

[7] Холиса—давлат ихтиёрида бўлган, барча солиқлардан озод этилган ер-сув ва мол-мулкни тасарруф этувчи олий идора.

давоми бор

[1](#), [2](#), [3](#), [4](#), [5](#), [6](#), [7](#)

